

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:  
№ БД – 5111400 – 2.06  
2016 йил “9” 01

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

йил “22” 01



МАМЛАКАТШУНОСЛИК

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	- Педагогика
	120 000	- Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400	- Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
	5120100	- Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)
	5120200	- Таржима назарияси ва амалиёти (инглиз тили)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчилар:**

Мадрахимов Т.А

- “Инглиз тили грамматикаси ва тарихи” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Хакимова Г.Э.

- “Инглиз тили назарий фанлари” кафедраси доценти, ф.ф.н;

Юлдашев А.Ғ.

- “Профессионал лексика” кафедраси катта ўқитувчиси.

### **Тақризчилар:**

Ибрагимходжаев И.

- ТДИУ, “Инглиз тили” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Қўлдошев А.

- ЎзДЖТУ, “Инглиз тили грамматикаси ва тарихи” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгashiда кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

Мамлакатшунослик фанидан дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тиллар ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ - 1875 қарори, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Республикада чиқарилган қарор ва фармонларга ҳамда чет тилларни ўзлаштириш Умумевропа даражалари тизимига<sup>1</sup> асосланиб тузилди.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва техниканинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун бир неча чет тилларини мукаммал билишни тақозо этади, бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро ҳужжатларга асосланган узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларини жорий этиш орқали таъминланади.

Европа Кенгашининг "Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиши ва баҳолаш" тўғрисидаги ҳужжати умумэътироф этилган халқаро меъёrlардан биридир. Ушбу ҳужжатнинг айrim ҳолатларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларини ўрганиш бўйича талаблар ишлаб чиқилди ва унинг асосида тегишли ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилмоқда.

Дастур Ўзбекистон Республикаси ОТМ бакалавр босқичига мўлжалланган бўлиб, касбий, регионал ва тилни ўргатишнинг бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишчи дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар, ўқув-кўлланмалар ва дарсликлар яратиш учун хизмат қилади.

Мамлакатшунослик фанидан машгулотлар ўрганилаётган чет тилида олиб борилади. Фан хорижий тил таълимининг ажralmas қисми сифатида талabalарнинг коммуникатив, лингвистик, социолингвистик, дискурсив, стратегик, касбий, умуммаданий компетентлигини интеграллашган ёндашув асосида ривожлантиришни кўзда тутади.

Компетентлик, коммуникатив, интеграллашган ёндашувлар:

- таълимга онгли, фаол, ижодий фаолият сифатида қараш;
- хорижий тил фаол коммуникатив мулоқат воситаси сифатида ишлатиш;
- хорижий тил мулоқат воситаси бўлиб аҳборот олиш ва узатиш;
- касбий фаолиятда тилни амалий қўллай олиш каби тамойилларга асосланади.

**Коммуникатив фаолиятга йўналтирилган** таълим ривожлантирувчи, функционал ва коммуникатив хусусиятларига эга бўлиб, ўқиши жараёнида билиш фаоллигини оширишга кўмаклашади. Ушбу ёндашув таълим олувчиларда мустақил фикрлаш ва ижодий фаолият юритиш қўнималарини

<sup>1</sup> Чет тили ўзлаштиришнинг Европа даражалар тизимида кўра талabalар С1 даражасини эгаллаши кўзда тутилади.

шакллантиришга қаратилган бўлиб, қуидагилар асосида амалга оширилади:

- таълим жараёнида турли соҳалардаги билимларни интеграциялаш;
- таълим жараёнини маданиятлараро коммуникация жараёни сифатида ташкиллаштириш;
- таълим жараёнида таълим олувчи ва таълим берувчи (ўқитувчи-талаба)лар ҳамкорлигини teng ҳуқуқли иштирокчиларига айлантириш;
- таълимнинг интерфаол шаклларини жорий этиш;
- тилни ва ижтимоий-маданий билимларни, амалий кўникмаларни эгаллашда талабаларнинг мустақил фаолият юритишини таъминлаш.

**Шахсга йўналтирилган ёндашув** чет тили таълимида нафақат илмий билимлар бериш, балки таълим жараёнининг иштирокчилари (талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар) муносабатларининг фаол шаклларига асосланган таълим жараёнини ташкил этади. Ушбу ёндашув талабанинг характеристики ва ривожланиш йўналишини ўрганиш, унда индивидуалликни шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ривожланиш динамикасини унинг олдинги ҳолати билан таққослаш орқали амалга оширишни кўзда тутади.

**Чет тили таълимида интеграллашган ёндашув** таълим олувчининг шахсий, интеллектуал ва касбий фаолиятларидан олинган материаллардан teng фойдаланиш. Тил ва нутқ материалининг teng нисбатда бўлиши, нутқ фаолиятининг 4 та тури бўйича нутқий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар даражасини уйғун ва ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантиришни кўзда тутади.

Чет тили таълимида компетентлик ёндашуви муайян натижаларга эришиш ва муҳим компетенцияларни эгаллашга қаратилади. Компетенциялар бўлажак касбий фаолиятга қараб шаклланиб боради. Мазкур ёндашувда таълим мустақил ўқиши-ўрганиш, ижтимоий ва маданий соҳаларида касбий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган компетенцияларга эришиш учун билим, кўникма, малака ва тажриба эгаллаш ҳисобланади.

## **Фанинг мақсад ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикасининг барча таълим турларида мамлакатшунослик фанини ўқитишдан мақсад таълим олувчиларнинг мультимаданиятли дунёда майший, илмий ва касбий соҳаларда фаолият юритиши учун коммуникатив компетенцияни (*унинг маркибий қисмлари ҳисобланувчи лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий, ва ўқув-билиши компетенциялари асосида*) шакллантиришдан иборат.

**Компетенция** - коммуникация иштирокчиларининг ўзлари томонидан қўйилган аниқ мақсадларга қаратилган нутқ фаолиятини шакллантиришга имкон берадиган билим, кўникма ва малака шахсий фазилатлар йиғиндисини ифодалайди.

**Коммуникатив компетенция** – ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчилар билан мулоқот қилишни амалга ошириш қобилияти ва тайёргарлиги, шунингдек, талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан танишиш, ўз мамлакати маданиятини янада яхшироқ

англаши, уни мuloқот жараёнида кўрсата олишини назарда тутади.

Мазкур ўкув фанини ўрганишнинг асосий вазифаларига талабаларда қуйидаги компетенцияларни шакллантирилиш киради:

**Лингвистик компетенция** ўрганилаётган тил эгалари билан мuloқот қилиш учун тил ҳақидаги маълумотларни (*фонетика, лексика, грамматикани*) етарли даражада билиш ва нутқ фаолияти турлари (*тинглабтушуниши, гапириши, ўқиши ва ёзиши*)да қўллай билишни назарда тутади.

**Ижтимоий-лингвистик компетенция** сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиқсан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини яратади.

**Дискурсив компетенция** (*дискурс – бу оғзаки ёки ёзма матн*) матнни тўғри талқин қилиш ва тузиш, шунингдек, шунга мос нутқий мuloқот турини танлаш учун оғзаки ва ёзма матнлар лингвистик, стилистик ҳамда таркибий хусусиятларини билиб олишни назарда тутади.

**Стратегик (компенсатор) компетенция** чет тили муҳитида нутқий ҳамда ижтимоий мuloқот тажрибасидаги камчилик ва нуқсонларни айрим вербал/новербал воситалар ёрдамида тўлдириш, коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутади.

**Ижтимоий-маданий компетенция** аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини - ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутади.

**Ижтимоий компетенция** ҳозирги мульти-маданиятли дунёда таълим олувчиларда чет тилини ўрганиш муҳимлиги тушунчasi; чет тилида мuloқот қилиш, ўз устида мустақил ишлаш ва ижтимоий мослашув воситаси сифатида фойдаланиш эҳтиёжини шакллантириш ва ривожлантириш, фуқаролик, ватанпарварлик фазилатларини тарбиялашда, чет тили орқали маданиятлараро мuloқотни амалга ошириш истаги ва хоҳишида намоён бўлади.

**Ўқииш ва англаш компетенцияси** таълим олувчининг чет тиллар ва маданиятларни ўрганишнинг мустақил билим олиш фаолиятидаги компетенциялар йиғиндиси бўлиб, реал билиш обьектлари ва замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мантикий, методологик, умумтаълим фаолияти элементларини ўз ичига олади.

## **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Мамлакатшунослик фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- хорижий тилларда фикрни ифода қилиш усуллари ва уларнинг нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларида қўлланилиш қонуниятларини;
- тил соҳибининг кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда

сўзлаган нутқини тушуна олишни;

• радио, телевидение, аудио-видеокассеталар орқали тинглаш учун берилган касбга оид аутентик илмий матнларни тушуна олиш ва улардан ўзи учун зарур бўлган ахборотни **билиши** керак.

Булар билан бир қаторда бакалавр:

•матнларни лингвистик хусусиятлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;

•турли жанрга оид матнларни чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма таржима қилиш;

•жаҳоннинг турли давлатлари маданияти хусусиятларини қиёслаш, солишириш ва таҳдил қилиш;

•хорижий мутахассислар билан касбий ва майший вазиятларда жонли мулоқот олиб бориш;

•соҳа бўйича, сұхбат, нутқ ва маъruzаларни тинглаб зарур бўлган ахборотни ёзиб олиш;

•тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида маълумотлар тўплаб аннотация, реферат, маъруза, тақдимот тайёрлаш ва тақдим эта олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

•янги информацион технологиялардан касбга йўналтирилган мақсадларда фойдалана олиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Таълимда фанлараро алоқалар, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида чет тили фани маҳсус фанлар ва ўқув режасининг бошқа блоклардаги фанлар билан ўзаро алоқада интеграллашган ҳолда ўргатилади.

## **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жихатдан узвийлиги**

Мамлакатшунослик фани нафақат чет тили билан балки тилшунослик, лексикология, фалсафа, сиёсатшунослик, иқтисодиёт ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир. Улар биргалиқда талабаларнинг маълум йўналишдаги билимларини мустаҳкамлаб баркамол шахс бўлиб етишишларига хизмат қиласди.

## **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Мамлакатшунослик фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Мамлакатшунослик фани талабаларнинг луғат бойлигини янги сўз ва атамалар билан бойитишга, жонли тил билан алоқа қилишларига, ҳозирги замон инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга хизмат қиласди. Бундан ташқари, мазкур фан фанлараро алоқаларни амалга ошириш билан бирга инглиз адабиёти тарихи, халқ маданияти билан яқиндан танишитиради.

## **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Мамлакатшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий

методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Мазкур фан машғулотларда аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш, коммуникатив методнинг тармоқлари бўлган – лойихалаш, масофавий таълим, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, галерея, ротация, думалоқ стол, кейс стади, зигзаг 1,2, интерфаол усуллардан фойдаланиш, кичик гурух мусобақалари, интернет янгиликларини қўллаш назарда тутилади. Фанни ўзлаштиришда электрон дарслик, ўкув ва услубий қўлланмалар, тарқатма ва электрон материаллардан, электрон почта, чет эл каналлари ва виртуал воқеликни ўзида жамлаган интернетдан фойдаланиш мумкин:

- ✓ Ахборот технологиялар: интернет, электрон таълим дастурлари.
- ✓ Глобал тафаккурнинг ривожланиш технологиялари (Р.Хенви, У. Книп).
- ✓ Педагогик маҳорат технологияси (Ю.Н.Кулюткин, Е.Б.Спасская).
- ✓ Билимдонлар баҳси.
- ✓ Талабалар нуқтаи – назарлари муҳокамаси, қарши фикрлар танлаш, умумлаштириш
- ✓ ПОПС (МППО) – ифода – тўртпоғонали баҳс услуби.
- ✓ Жой эгалланг – плакатлар асосидаги баҳс.
- ✓ Услублар: “Муҳим тушунча”, “Усталик билан берилган саволлар”, “Аквариум”.
- ✓ Таълимнинг фаол услублари: “**Кейс-услуби**” (Гарвард университети бизнес мақтаби), иш уйинлари.

-**Дельфи услуги** – таклиф қилинган ечимдан статистик услуг асосида беш камчиликни аниқлаш ва улардан энг яхшисини танлаб, баҳолаш.

-**Қора қути услуги** – масалани аниқ ходиса таҳлили орқали, ижодий баҳс орқали камчиликлар сабабини аниқлаш.

-**Кундаликлар услуги** – гурух аъзоларининг ён дафтаридан ёзувлар таҳлили, гуруҳдаги аниқ ва тўғри гапларни муҳокама қилиш, умумий фикр ишлаб чиқиш.

-“**Ақлий ҳужум**” – (Е.А.Александров и Г.Я.Буш) – гурух қатнашчилари ижодий ғояларини жамоа, ғоялари билан қарши ғоялар ёрдамида фаоллаштириш.

“**Сояли ақлий ҳужум**” – ёлғизланиб, жимликда ўтирган ёрдамчи гурух ғояларини умумлаштириш учун шароит яратиш ва уларнинг ғояларни баҳолаш.

-**Сенектика услуги** (У.Гордон) – муаммони ифодалашга ўргатиш, унинг қисмларини аниқлаш, муаммони ечишдаги ўхшашликларни топиш. Креативликни ўстириш, оддий ходисаларнинг ғайри-табиий томонларини топиш ижодий қобилиятларини аниқлаш.

-«**АРИЗ – ТРИЗ**» (Г.С.Альтшуллер ва унинг мактаби, ТРИЗ кашфиёт масалалари технологияларни ривожлантириш) – ўрганилаётган тизим ривожланиши қонуниятларига бўйсундирилган мантиқий операциялар тизими 40 усулдан иборат: “қўшилиш”, “матрёшка”, “қарама-қарши”, “зарарни фойдага айлантириш” ва бошқалар.

- Турли иш ўйинлари, ролли ўйинлар.

## АСОСИЙ ҚИСМ

### Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

#### **Буюк Британия**

**Буюк Британия тарихи.** Қадимги Британия. Келт қабилалари. Романлар истилоси. Скандинавлар истилоси. Нормандлар истилоси.

**Буюк Британия географияси.** Буюк Британиянинг икки ҳудудга бўлиниши. Буюк Британия иқлими, аҳолиси ва тили. Буюк Британияда жойлашган дарёлар, тоғлар, қўллар, қазилма бойликлар, ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот олами.

**Буюк Британия давлат тузуми.** Парламент. Парламент палаталари. Бош вазир сайлови. Қиролича ва унинг оиласи. Қироличанинг парламент мажлисидаги иштироки. Буюк Британиядаги сиёсий партиялар ва уларнинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни. Парламент сайловида партияларнинг харакати.

**Буюк Британияда ўрта ва олий таълим тизими.** Буюк Британияда давлат тасарруфидаги ва хусусий мактаблар. Мактабларда бошланғич, ўрта ва юқори таълим босқичи. Мустақил таълим. Буюк Британияда олий таълим тизими.

**Британияликларнинг урф-одатлари, байрамлари.** Буюк Британия маданияти ва санъати. Телеахборот тизими. Мусиқа ва санъат турлари. Рассомчилик. Анъанавий ва замонавий рассомлар ва уларнинг асарлари. Газета ва журналлар, уларнинг турлари, нашр ҳажми. Маданият саройлари, боғлар ва хиёбонлар.

#### **АҚШ**

**АҚШ тарихи.** Христофор Колумбнинг Американи кашф этиши. АҚШда колониал давр. АҚШнинг мустақиллик учун кураши. АҚШдаги фуқаролар уруши. АҚШда партияларнинг вужудга келиши. АҚШнинг штатларга ажралиши.

**АҚШ географияси, аҳолиси, табиий қазилма бойликлари.** Америка чегаралари. АҚШдаги тоғлар, ҳайвонот ва ўсимлик олами. АҚШдаги миллатлар ва уларнинг тиллари.

**АҚШ давлат тузуми.** АҚШ давлат тузумининг уч тармоғи. Президент ва президентликка сайловлар. Конституциянинг қабул қилиниши, амал қилиши ва конституцияга киритилган ўзгаришлар. АҚШ давлат байроғи, мадҳияси, герби. АҚШ конгресси ва унинг палаталари. АҚШдаги “республика” ва “демократлар” партиялари, уларнинг хукумат ҳаётида тутган ўрни. АҚШ Олий суди ва унинг вазифаси. АҚШдаги штатларнинг давлат тузуми.

**АҚШ таълим тизими.** АҚШдаги мактаблар ва улардаги таълим тизими. Ўқув дастурлари. Ўқувчиларнинг мустақил таълим олиши. Олий таълим ўқув дастурлари. Талабаларнинг ҳаёти ва билим олиш фаолияти.

**АҚШ маданияти.** Урф-одатлари. Кино. Оммавий ахборот воситалари.

Мусиқа. Рассомчилик. АҚШнинг расмий ва норасмий байрамлари.

## **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

### **Буюк Британия**

- Буюк Британия тарихи ва турли қабилалар истилолар;
- Буюк Британия ҳудудий тузилиши;
- Буюк Британия давлат органлари;
- Буюк Британия таълим тизими;
- Буюк Британия маданияти ва сънати.

### **Америка Қўшма Штатлари**

- Америка ва унинг тарихи;
- Америка ҳудудий тузилиши;
- Америка давлат органлари;
- Америка таълим тизими;
- Америка маданияти ва санъати.

## **Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва қўнималарини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳукуқий хужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

## **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

## **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

## **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил ишга ажратилган мавзуларни ўрганишнинг асосий мақсади мавзулар бўйича ишлаш жараёнида аудиторияда олиб борилган маърузалар ва амалий машғулотлар пайтида талабаларда ҳосил бўлган тасаввур, билим

ва кўникмаларни янада чуқурлаштириш, талабаларга янги билимлар тўплаш, мустақил хулосалар чиқариш ва турли илмий-амалий гипотезаларни олға суришни ўргатишдир. Мамлакатшунослик фани талабаларни мустақил ўрганишлари, рефератлар ёзишда, мустақил фикр юритишлари амалий машғулотларда ҳар хил тематика маъruzalar тайёрлашларини, талабалар илмий анжумани ҳамда инглиз тилини ўрганиш тўгаракларида фаол иштирок этишларини тақозо қиласди. Мустақил ишларнинг натижалари мавзу бўйича презентация (Power Point), реферат, маъруза, конспект, дебат (ёки round-table discussion) шаклида расмийлаштирилиши мумкин.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

#### **Буюк Британия**

- Буюк Британиянинг вужудга келиши;
- Қироллик шажаралари: “Англо-саксонлар, нормандлар ва б.”;
- Буюк Британия бирлашган қироллигининг географик ўзига хосликлари, табиий бойликлари;
- Парламентнинг вужудга келиши;
- Сиёсий партияларнинг юзага келиши;
- Англий, Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландия таълим тизимининг ўзига хосликлари;
- Санъат соҳасидаги машхур сиймолар;
- Буюк Британияда илм-фан тараққиёти;
- Британия фестивалларидағи анъана ва урф-одатлар;
- Буюк Британияда ўтказилган машхур спорт мусобақалари.

#### **АҚШ**

- Америка Кўшма Штатларининг вужудга келиши;
- АҚШ тараққиётига улкан ҳисса қўшган президентлар;
- АҚШнинг географик ўзига хосликлари, табиий бойликлари;
- Сенатнинг вужудга келиши;
- Сиёсий партияларнинг юзага келиши;
- Штатларнинг ўзига хосликлари (пойтахт, штатнинг мадҳияси, энг катта шаҳар, энг машхур шаҳар, штатларнинг рамzlari ва б.);
- АҚШ санъатидаги машхур сиймолар;
- АҚШда илм-фан тараққиёти;
- АҚШ байрамлари, уларни ўтказишдаги урф-одатлар;
- АҚШда спорт тараққиёти;
- АҚШ, Буюк Британия ва Ўзбекистонда жамият ва маданият.

### **Дастурнинг информацион – услугий таъминоти**

Мамлакатшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли

фойдаланиш назарда тутилади. Жумладан,

- интерфаол усуллар;
- услугий усуллар;
- услугий дифференция;
- фонографик ва морфологик даражанинг услугий усуллари ва маъruzani янги лойиҳа бўйича ўқитиш усулларидан фойдаланилади.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Yakubov I. English speaking countries. Tashkent, 2004.
2. Sabirova N, Atakhanova G. The United Kingdom of Great Britain and Northern Ireland, the USA. - T., 2008
3. Tokareva N. D. The pages of History. A glimps of Great Britain and USA . M., 1985.
4. Бакирова Х.Б, Хакимов Х.И Country Studies. Тошкент 2007.
5. Muminov A., Tuhtasinov I. Country Study. Tashkent, 2015.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Stephen Angle. The British Party System. Oxford and Cambridge, MA, 1989.
2. Bill Bowler and Lesley Thompson Timesaver British History Highlights Oxford Cambridge. 2005
3. Атаканова Г.Ш, Вышегурова С.Х., Ким Ю.С. LECTURES ON COUNTRY STUDY. - Т, 2010 (<http://www.ziyonet.uz>)
4. Леонович О.А. Страноведение Великобритании.- М.,2004.
5. Ощепкова В.В. Язык и культура Великобритании, США, Канады, Австралии, Новой Зеландии: [учеб. пособие для студентов вузов] - М., 2004.
6. Павловская А.В. Англия и англичане. - М., 2005.
7. Gearson L. Education in the United Kingdom - ondon; David Fulton Publishers, 2002.

#### **Интернет сайтлари:**

1. <http://www.britishcouncil.org>
2. <http://www.bbc.co.uk>
3. <http://www.uk.ru>
4. <http://encyclopedia.farlex.com>
5. <http://en.wikipedia.org>
6. <http://www.usa.gov>

